

**Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (ПК-72) доирасида 2022 йилда "Навобий КМК" АЖ томонидан амалга оширилиши белгилаиан инвестиция лойиҳаларида январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар бўйича**  
**ЙИҒМА МАЪЛУМОТ**

млн.долл.

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2022 йил январь-декабрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
				прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
	<b>ЖАМИ НКМК</b>	<b>3 298.07</b>		<b>486.00</b>	<b>486.00</b>		<b>100.0</b>	
	шу жумладан:							
	чет эл банклари кредитлари	2 955.07		486.00	486.00		100.0	
	<b>Янги қурилиш</b>	<b>2 481.87</b>		<b>361.80</b>	<b>361.80</b>		<b>100.0</b>	
1	«Ауминзо-Амантой маъданли майдонида олтин маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш» (ГМЗ-5) I-II босқичлар *	528.40	2017-2022йй.	58.80	58.80		100.0	Объект тўлиқ қувватда ишга туширилди. 3-сонли тегирмон блоки 2022 йил 28 мартдаги 22-045-сонли ишчи хайъати далолатномаси билан фойдаланишга топширилди. Лойиҳа бўйича ТИАга нисбатан маблағлар иктисод қилишга эришилди.
	чет эл банклари кредитлари	528.40		58.80	58.80		100.0	
2	«Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) I босқич	733.90	2016-2025йй.	57.60	57.60		100.0	Лойиҳа ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 ноябрда №907 - сонли қарори билан тасдиқланган. Қурилиш ҳолати: «Мурунгов» кони шимолий-шарқий ЦПТ, ДПП-5, ДПП-6 объектлари ишчи хайъат далолатномаси билан фойдаланишга топширилди. "ВЛ 6кВ электр тармоғини карьер бортига қўчириш" ишлари якунланди. ЦПТ-порода "Юг", ГПП-9 ва ГПП-5 станцияси қурилиши ишлари олиб борилмоқда. ППК-3 ни қўчириш лойиҳаси доирасида темир йўл қурилиши ишларининг I босқичи якунланди, бутунги кунда объектни фойдаланишга топшириш учун ишчи хайъат алолатномаси расмийлаштирилмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	733.90		57.60	57.60		100.0	
3	Йўл транспорт ва муҳандислик инфратузилмаларини қуриш *	253.40	2018-2023йй.	26.02	26.02		100.0	Ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасининг ижобий хулосаларига эга. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК. Қурилиш ҳолати: 307-разъезди, 141-разъезддан Ажибугут-Джантаур темир йўл қурилиши, ЦРГО, марказий омборхона қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Гараж майдонида қурилиш ишлари якунланган, ишчи хайъати далолатномаси расмийлаштирилмоқда. Амонтой станциясида маъмурий бино, ЭЦ пости биноси қурилиш ишлари тугатилди, сигналлаштириш, марказлаштириш ва блоклаш бўйича ускуналар ўрнатилмоқда. Вагон таъмирлаш цехида девор ва том қисми сэндвич панеллар билан ўралди, иситиш тизими, электр таъминоти, ёнгиндан огоҳлантириш тизимлари ўрнатилмоқда. Ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва қуйиш омборида 1,2 км темир йўл монтаж қилинди, ёқилғи сақлаш сифимларини боғловчи технологик қувурлар монтажи ишлари тугатилди, ёқилғи сақлаш цистерналарини изоляция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Саноат корхоналарини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш лойиҳаси доирасида Бессопан майдони электр энергияси таксимлаш пунктини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	253.40		26.02	26.02		100.0	

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2022 йил январь-декабрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
				прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
4	Зармитан конининг қуйи горизонтларни ўзлаштириш (0.00м. гор.гача)	235.57	2017-2024йй.	33.40	33.40		100.0	<p>Лойиҳанинг ТИА Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 14 февралда №127-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ.</p> <p>Чехия Республикаси «Mine Construction Alliance s.r.o.» корхонаси билан “Скиповой” шахта қурилиши ва «Бош» шахта стволини чуқурлаштириш ҳамда стволларни жиҳозлашга тендер асосида пудрат шартномалари имзоланган.</p> <p>Қурилиш ҳолати: 1. “Чармитан” конини очиб бўйича жорий даврда жами 1730 п.м., шу жумладан +480 м сатҳни очиб учун 390 п.м. ва +420 м сатҳни очиб учун 1340 п.м қия ва горизонтал кон капитал лаҳимлари қазиб ўтилди.</p> <p>2. “Скипли” вертикал шахта стволни бўйича жорий йилнинг шу даврида 255 п.м., қурилиш бошланганидан 1000 п.м. ствол қазиб ўтилиб, мустаҳкамланди. Ўтган даврда стволда +480м +420м +360м +300м +270м +240м ва +180м +120м +60м +30м ва 0,0 м сатҳларда 1680 п.м. кесилмалари (сопряжениялар) ва горизонтал лаҳимлар ҳам ўтилди. Жами 2,4 млн.долл.лик “Скипли” ствол учун стационар электр ускуналар олиб келинди.</p> <p>3. “Асосий” вертикал шахта стволини чуқурлаштириш: I ва II босқич вертикал шахта стволини чуқурлаштириш +525 м сатҳдан -10,0 м сатҳгача тушиш жами - 535 п.м. ўтилди. Ўтган даврда стволда +480м +420м +360м +300м +270м +240м +180м +120м +60м ва 0,00м сатҳларда 885 п.м. ствол олди ховлилари (околоствольный двор) ҳамда кесилмалар (сопряжениялар) ҳам ўтилди.</p> <p>Жорий йилнинг шу даврида жами 12,7 млн.долларлик 50 дона электр, кон ва транспорт ускуналари ва 2 дона “Скипли” стволни учун шахта-қўтариш машинаси харид қилиниб, монтаж ишлари олиб борилмоқда.</p>
	чет эл банклари кредитлари	235.57		33.40	33.40		100.0	
5	Балпантоғ ва Томдибулоқ конлари негизда қазиб олиш карьерини куриш	108.00	2021-2023йй.	64.90	64.90		100.0	<p>Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги №531-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК.</p> <p>Қурилиш ҳолати: Лойиҳа бўйича 34 км темир йўл қурилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди. Карьер очиб ишлари олиб борилмоқда. Балпантоғ карьерини электр таъминоти билан таъминлаш мақсадида 25 дона бетон таянч ҳамда 6 дона темир таянчлари ва кабеллар монтаж қилиб бўлинди. Карьер қошидаги инфрагузилма объектларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. “Балпантоғ” карьерини участкаси ҳудудида ПКТПБ-1600/35/6кВ типдаги 35/6кВ мобил пакетли блокли трансформатор подстанциясини ўрнатиш ва 35 кВ ҳаво линиясига улаш ишлари бошланди. Бугунги кунда ички муҳандислик коммуникациялари, ВЛ6кВ ЛЛ-1, ЛЛ-2 ҲЛ бўйича 92 темир бетон опоралари ўрнатилди. Кон техникалари ва бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб, босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда.</p>
	чет эл банклари кредитлари	108.00		64.90	64.90		100.0	
6	Чуқурқудуқ кони захираларини қазиб олиш	188.60	2022-2024йй.	18.55	18.55		100.0	<p>Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги №481-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК.</p> <p>Қурилиш ҳолати: Ҳозирги кунда ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда ажратилган маблағ доирасида ускуналар ва техникалар харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб босқичма-босқич етказиб берилди. Ишлар тармок жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.</p>
	чет эл банклари кредитлари	188.60		18.55	18.55		100.0	
7	«Мурунтоғ» конини ўзлаштириш (V навбати) I босқич лойиҳаси саноат объектларини электр энергияси билан таъминлаш	113.70	2018-2023йй.	8.65	8.65		100.0	<p>Лойиҳанинг ТИҲси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 майдаги №331-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи “Ўзэлектроаппарат-электрошит” АЖ билан шартнома тузилган.</p> <p>“Мурунтоғ” конининг V-навбати чегараларида тоғ-кон ишларининг жадаллик билан ривожланиши муносабати билан “ГПТ-1” нимстанцияси ва ВЛ 110 кВ трассаларининг сўнгги жойлашувини аниқлаштириш (объектларни қуриш учун жой танлаш далолатномасини расмийлаштириш), ишчи лойиҳани ишлаб чиқиб, Давлат экспертизасидан ўтказиш, шу жумладан саноат хавсизлиги бўйича экспертизаларидан ўтказиш мақсадида муҳандислик-геологик ва топографик-геодезия тадқиқотларини ўтказиш зарурияти туғилди. Лойиҳа-тадқиқот ишларини 2022 йил охиригача ва объектларнинг қурилишини эса 2023 йилда якунлаш режалаштирилган.</p>
	чет эл банклари кредитлари	113.70		8.65	8.65		100.0	

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2022 йил январь-декабрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
				прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
8	“Пистали” конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини куриш (6-ГМЗ)	274.70	2021-2024йй.	73.88	73.88		100.0	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №569 - сонли қарори билан тасдиқланган. Курилиш ҳолати: Ҳозирги кунда саноат зонаси тўлиғича чегара тўсиқ деворлар билан ўралди. Қазиб олиш комплексида: Рудани қабул қилиш бўғини, 1 ва 2-конвейерлар, рудани саклаш омбори курилиши ишлари 70 фоизга бажарилган, ишлар давом этмокда. Рудани қайта ишлаш комплексида: Курилиш-монтаж ишлари Реагент обориди яқунланган, қуйилтиргич (сгуститель) бўлинмаси ва цианли натрий омборида 90 фоизга, бош бинода 65 фоизга яқунланган. Сорбция бўлинмасида барча 20 та чанлар монтаж қилиниди ва электр монтаж ишлари яқунланиш арафасида. Насос станцияси курилиши ишлари олиб борилмокда. Биринчи тегирмон блокадаги ММС 90x30 тегирмони ўрнатилди, МШЦ 55x75 тегирмонини йиғиш ишлари яқунланиш арафасида, 4 дона гидроциклон, 2 дона зумпф, 7 дона 10 ГР насослари ўрнатилди. Шунингдек бош бинодаги 80 тонна юк кўтариш қобилиятига эга кўприкли кран монтаж қилинди. Бош бинода технологик қувурларнинг монтаж ишлари давом этмокда. Ёрдамчи инфраструктура объектларида: Портловчи молдалар омбори курилиши яқунланди. Завод лаборатория биноси, маиший биноси, маъмурий биноси, ошхона биноларида курилиш ишлари яқунланиш арафасида. Материаллар омбори, гараж, маркази таъмирлаш цехи, пульпопровод тармоғи, техник сув линияси курилиши ишлари давом этмокда. Кон техникалари босқичма-босқич етказиб берилмокда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмокда.
	чет эл банклари кредитлари	274.70		73.88	73.88		100.0	«Пистали» кони саноат объектларини электр энергияси билан таъминлаш учун «Дехибаланд» подстанциясидан «Пистали» конигача узунлиги 58 км бўлган 220кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоғи ва 220/35/6кВ кучланишли подстанция курилиш ишлари “O” zelektroapparat-Elektroshield” АЖ томонидан олиб борилмокда. Бугунги кунда ишлар 45 фоизга бажарилган. Объектни фойдаланишга топшириш 2023 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланмокда. Лойиҳа доирасида 6-ГМЗ нинг 1-чи тегирмон блокни ишга тушириш 2023 йилнинг 20 августига таъминланади.
9	“Пистали” конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини куриш (6-ГМЗ) лойиҳасига оид саноат объектларини электр энергияси билан таъминлаш	45.60	2021-2023йй.	20.00	20.00		100.0	Лойиҳанинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги №729-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи "Узэлектроаппарат-электрошит" АЖ билан шартнома тузилган. Ишчи лойиҳа ишлаб чиқилган. Бугунги кунда 220кВ ҳаво электр узатиш тармоғининг таянчлари учун 130 та пикетда пойдеворлар ўрнатилди ва 47 та пикетда таянчлар ўрнатилди. Подстанцияда қуввати 40 МВА бўлган бир дона трансформатор ўрнатилди ва куч электр курилмалари курилиш майдонига келтирилган.
	чет эл банклари кредитлари	45.60		20.00	20.00		100.0	
	<b>Модернизация ва реконструкция</b>	<b>473.20</b>		<b>99.20</b>	<b>99.20</b>		<b>100.0</b>	
10	2-гидрометаллургия заводи қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш (I-II босқичлар) *	168.30	2018-2022йй.	27.40	27.40		100.0	Объект тўлиқ қувватда ишга туширилди. 32-тегирмон блоки 2021 йил 30 ноябрдаги №21-194 – сонли ва қуюқлаштириш бўлими 2022 йил 28 мартдаги №22-060 – сонли ишчи ҳайъати далолатномаси билан фойдаланишга топширилди. Лойиҳа бўйича ТИАга нисбатан маблағлар иқтисод қилишга эришилди.
	чет эл банклари кредитлари	168.30		27.40	27.40		100.0	
11	2-Гидрометаллургия заводи чиқинди омборини кенгайтириш ва қайта тиклаш (II-босқич)	45.00	2016-2022йй.	4.80	4.80		100.0	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги №605-Ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган. Курилиш ҳолати: Барча курилиш монтаж ишлари тугатилиб, объект 2022 йил 31 октябрдаги №22-221-223 – сонли ишчи ҳайъати далолатномалари билан фойдаланишга топширилди.
	чет эл банклари кредитлари	45.00		4.80	4.80		100.0	

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2022 йил январь-декабрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
				прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
12	Амударё-Зарафшон сув қувурининг 3-чи линиясини қуриш ва насос станцияларини реконструкция қилиш	127.50	2018-2024йй.	16.00	16.00		100.0	Лойиҳанинг ТИҲси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги №472-16-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ. Лойиҳа буйича Ø1220 мм бўлган 157,3 км сув қувури ётқизиш қўзда тутилган. Қурилиш ҳолати: Лойиҳа бошидан 2 - НС ва КП-21 оралиғи 11700 п/м, 3-НС ва 4-НС оралиғи 15800 п/м, КП-51 ва 6-НС оралиғи 10800 п/м, КП-11 ва КП-12 оралиғи 10300 п/м, КП-21 ва КП-22 оралиғи 12500 п/м, КП-13 ва КП-14 оралиғи 9500 п/м, КП-22 ва КП-23 оралиғи 12600 п/м, КП-14 ва 2-НС оралиғи 10000 п/м, 4 - НС ва КП-41 оралиғи 10000 п/м, КП-42 ва КП-43 оралиғи 10000 п/м, бўлган қисмларининг қурилиш монтаж ишлари якунланиб 113200 п/м қисми фойдаланишга топширилган. КП-12 ва КП-13 оралиғи 10000 п/мдан 8000 п/м қисмида қувурлар ўрнатилган ва қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Ҳозирда 15А КП биноси қурилиши ва 2 дона Ду1000мм зулфинлар монтажи ишлари бажарилган, объектда ишлар тўлиқ якунланиб фойдаланишга топширилмоқда. 1-сонли НСнинг реконструкция ишлари якунланиб, объект фойдаланишга топшириш учун синовдан ўтказиш қўтилмоқда. 4-сонли НСнинг реконструкция ишларида қўшимча бино темир-бетон фундаментлари, девор ва том қисми колонна ва балкалари монтаж ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳозирда "Сендвич" панели қопламалар монтажи бажарилмоқда. Ишлар тармоқ жадвали буйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	127.50		16.00	16.00		100.0	
13	"Турбай" конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш	132.40	2021-2023йй.	51.00	51.00		100.0	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 июндаги №384 - сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК. Қурилиш ҳолати: Ҳозирги кунда ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Саноат майдонида маъмурий бино ва ётоқхона биноларини қуриш учун хандак қазиш ишлари якунланиб, 2 ва 2 - ётоқхона биноси ва ошхона биноларининг девор ва том қисми металл устунлари, балкалар ва "сендвич" панелли қопламалари монтаж ишлари якунланиб ҳозирда бино ички парда деворларига гипсокартонли қопламалар, МДФ ва алюмин АКФА эшиклар ҳамда деразалар монтажи, бино ичи деворларини пардозлаш ва бўяш ишлари, электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ва канализация қувурлари монтажи амалга оширилмоқда. Зарқатлам карьеридан Барханли карьеригача бўлган автойўл қурилиши ишлари амалга оширилаётган бўлиб, бугунги кунга қадар 6,5 км ораликдаги масофада йўлнинг рельфини ўсимлик қатламидан тозалаш ва 1-гуруҳ грунтларини ташлаш ва бостириш ишлари амалга оширилган. 45,3 км узунликдаги "Турбай - ГМЗ-3" темир йўл қурилиши линиясининг ПК 00,00 дан ПК 285,00 оралиғигача 28,5 км ер ва ПК 00,00 дан ПК140+00 оралиғигача 14 км темир-бетонли шпалли темир йўл ўрнатиш амалга оширилди. Кон техникалари харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика буйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Ишлар тармоқ жадвали буйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	132.40		51.00	51.00		100.0	
14	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жихозлаш	343.00	2020-2023йй.	25.00	25.00		100.0	Лойиҳанинг йиллик прогноз параметрлари Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2022 йил 30 сентябрдаги 76-сон баёнига асосан инвестиция дастурига киритилди. Ушбу лойиҳада амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини меъёрда сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш қувватларини технологик қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасининг ижобий хулосаларига эга. Ускуна ва жихозлар олиб келинган. Ишлар тармоқ жадвали буйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	343.00		25.00	25.00		100.0	

Изоҳ: \* Лойиҳа буйича маблағлар иқтисод қилишга эришилди.

Лойиҳаларни бошқариш ва капитал қурилиш буйича директор

Ф.Ш. Бахронов